

Нигерияда масжидлар шартли равишда очилади



09:00 / 07.08.2020 1712

Нигериянинг ибодат масканлари ҳамда мамлакатнинг энг гавжум шаҳри 7 август жума куни ўз фаолиятини бошлайди. Бу ҳақда Peace Fm Online сайти хабар берди.

Маълумотга кўра, Лагос штатининг губернатори шаҳарнинг ибодат марказлари ва масжидлар 7 август жума куни қайта очилишини эълон қилди. Черковлар эса биринчи маросимини 9 август якшанба куни ўтказадилар.

Лагос губернатори Бабажиде Санву-Олу масжидлар ва черковлар учун масъул бўлган шахслар санитария ва тана ҳароратини назорат қилиш воситаларига эга бўлиши керак, дея таъкидлади. Штат ҳукумати

ижтимоий масофани сақлашни таъминлаши керак. Ибодат жойлари ўз имкониятларининг ярмини қабул қилишади ва 65 ёшдан ошган одамлар ибодат жойларига бормасликлари тавсия этилди.

Бугунги кунгача Нигерияда Covid-19 юқумли касаллиги сабабли 850 дан ортиқ киши вафот этган.

Islom.uz портали таҳририяти